

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2



# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№2 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-2>

**Бош муҳаррир:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Главный редактор:**  
**Тухтасинов Илхом**  
д.п.н., профессор (Узбекистан)

**Заместитель главного редактора:**

**Editor in Chief:**  
**Tuhtasinov Ilhom**  
DSc. Professor (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўғли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахиммаед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддиқова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Туробов Бекпулат**  
масбул котиб, PhD, доцент  
(Ўзбекистон)

## РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Узбекистан)

**Якуб Умар оглы**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Куренов Рахыммаед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Балтабоев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Дустмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Сиддиқова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Туробов Бекпулат**  
отв. секретарь, PhD, доцент  
(Узбекистан)

## EDITORIAL BOARD

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Umarchodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Turobov Bekpulat**  
PhD Ass. prof. Senior Secretary  
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000


<b>1. Murodova Mo'tabar Ibodullayevna</b> TILAKLAR VA OLQISHLARNI NUTQIY AKTLAR SIFATIDA LINGVISTIK NUQTAI NAZARDAN TAHLILI...	5
<b>2. Yusupova Soxiba Islombek qizi</b> O'ZBEK BOLALAR O'YIN QO'SHIQLARIDA ATOQLI OTLARNING QO'LLANILISHI.....	9
<b>3. Lolayeva Gulniso Geldiyorovna</b> GAZETA MATNINING UMUMIY VAZIFALARI.....	13
<b>4. Sharopova Ra'no, Karimova Latofat</b> HOZIRGI O'ZBEK TILIDA "TARBIYA" LEKSIK-SEMANTIK MAYDONI TARKIBI VA TASNIFIQA OID QARASHLAR.....	18
<b>5. Намазова Манзура Ураковна</b> ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ЖИЗНИ И ЧАСТИ ИММИГРАНТОВ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	24
<b>6. Sadriddinzoda Safiya Shaxobiddinovna</b> AMPHIBOLOGY IN ENGLISH RELIGIOUS LEXICOLOGY.....	32
<b>7. Esirgapov Mukhiddin Nizomiddinovich</b> THE INFLUENCE OF THE INTERNET AND DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE ENGLISH LANGUAGE.....	37
<b>8. Karimova Dilorom Shavkatovna</b> VERBAL AND NON-VERBAL INTERPRETATION OF THE CONCEPTS OF "DEATH" AND "LIFE".....	43
<b>9. Narzullaeva Dilnoza Sanatovna</b> CONCEPTUAL METAPHOR THEORY: EXPLORING THE ROLE OF METAPHOR IN CONCEPTUALIZING ABSTRACT CONCEPTS.....	48
<b>10. Шахзод Турниязов</b> ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА МУАЛЛИФ УСЛУБИНИ САҚЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР (О. ГЕНРИ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА).....	52
<b>11. Matkarimova Gulira'no Abdullayevna</b> XALQ OG'ZAKI IJODI VA MIFOLOGIK MANBALARDA UCHRAYDIGAN FITONIMLARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.....	63
<b>12. Алена Ядмагиевна Иванова</b> ВЛИЯНИЕ КОНФУЦИАНСТВА НА ПРОЯВЛЕНИЕ ЭМОЦИЙ.....	68
<b>13. Yunusova Gulshoda Dilshadovna</b> EKVIVALENTLIK VA FE'L VALENSIYASI.....	80
<b>14. Eshboyev Qahramon Bakir o'g'li</b> O'ZBEK TILI SINONIMIK LUG'ATLARIDA DARAJALANISH METODOLOGIYASI.....	85
<b>15. To'liboyeva Gulnura Baxadir qizi</b> PEYZAJ BADIY VOSITA SIFATIDA (O'ZBEK VA QORAQALPOQ SHE'RIYATI MISOLIDA).....	91
<b>16. Холбобоева Нилуфар Бахтиёр кизи</b> НАВОИЙГА ТАХМИС.....	96
<b>17. Сайымбетов Шарафатдин Уракбаевич</b> И. ЮСУПОВНИНГ «ДАЛА АРМОНЛАРИ» ПОЭМАСИДА ИНДИВИДУАЛ МЕТАФОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	102
<b>18. Комила Мамадиёрова</b> ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	106
<b>19. Xolova Muyassar Abdulhakimovna</b> O'ZBEK SHEVALARIDA FONETIK O'ZGARISHLAR (Surxondaryo viloyati misolida).....	111
<b>20. Malika Soliyeva</b> INGLIZ TILIDAGI INTONATSIYANING AYRIM FONOSTILISTIK XUSUSIYATLARI.....	118
<b>21. Комила Мамадиёрова</b> ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА.....	122

<b>22. Xurinisа Xudoyberdiyeva</b> TROPLARNING USLUBIY XUSUSIYATI (Xosiyat Rustamova lirikasi misolida).....	128
<b>23. Israilova Sayera Tashpulat qizi</b> INTERFAOL USULLAR ORQALI INGLIZ TILIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH (Tarix yo‘nalishi talabalari uchun).....	133
<b>24. Israilova Sayera Tashpulat qizi</b> INGLIZ XALQ ERTAKLARI ORQALI BOSHLANG‘ICH SINFI O‘QUVCHILARIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH.....	137
<b>25. Робиға Мамбєтова</b> ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	143
<b>26. Ҳамидулла Тоджиев</b> ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УМУММАЪРИФИЙ – УМУМАДАБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	148
<b>27. Ergashova Rano Turaevna</b> LINGUISTIC FEATURES OF AVIATION TERMINOLOGY IN ENGLISH, RUSSIAN, AND UZBEK LANGUAGES: SPECIFICITIES AND COMMONALITIES.....	154
<b>28. Bobir Maxammadov</b> MIKROSOFT VINDOVS OPERATSION TIZIMI TERMINLARINING LEKSIKOGRAFIK TAVSIFI MASALALARI: MUAMMOLAR VA VAZIFALAR.....	164
<b>29. Xalimova Firuza Rustamovna</b> POETIK MATNDA BADIY KONSEPTLAR VA METAFORALARNING KOGNITIV-ESTETIK TALQINI.....	170
<b>30. Matluba Shukurova</b> ЭНАХОИ СИДДИҚОВА ШЕЪРИЯТИДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АКТУАЛЛАШУВИ.....	176
<b>31. Tashkulova Zarnigor</b> “SHARQ” KONSEPTI SEMANTIK MAYDONIDA PEYZAJNING IFODALANISHI (S. MOEM NIKOYALARI MISOLIDA).....	184
<b>32. Davlatova Hulkaroy Uktamovna</b> TILSHUNOSLIKDA GENDER TUSHUNCHASINING TADQIQI: BOLALAR NUTQI MISOLIDA.....	189
<b>33. Vaxidova Gulnoza Amonovna</b> HOFIZ O‘BAHIYNING “TUHFAT UL-AHBOB” LUG‘ATIDA LUG‘AVIY BIRLIKLARNING IZOHLANISHI..	199
<b>34. Мажитова Сабоҳат Ҳамиловна</b> АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҲАЗАЛИЁТИДАГИ ДИНИЙ-ИРФОНИЙ АНТРОПОНИМЛАР.....	207



**Мажитова Сабохат Жамиловна,**  
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университети,  
Тожик филологияси ва Шарқ тиллари кафедраси доценти.

## АБДУРАХМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛИЁТИДАГИ ДИНИЙ-ИРФОНИЙ АНТРОПОНИМЛАР

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.17162236>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Абдурахмон Жомий ғазалиётида қўлланилган диний антропонимлар – исмлар, тахаллуслар, лақаблар байт асосида таҳлил этилган. Шоир ўзбек ва тожик антропонимларининг лексик-семантик хусусиятларини таҳлили асосида инсон табиатини, инсонийлик хислат ва сифатларини ранг баранг ва шоирона очиб берган. Бу мақолада фақат диний-ирфоний антропонимларнинг шарҳига этибор қаратдик, зеро Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳам нақшбандия тариқатининг буюк вакилларида биридир. Шу боисдан шоир нафақат маснавий, дostonлари ҳамда шарҳ асарларида, балки ғазалларида ҳам дину ирфоннинг етук ғояларини теран нигоҳ билан ифода этган. Бинобарин, Жомий ғазалларида бир қатор ирфоний рамзу истилоҳлар, диний ақидалар қаторида дин ва тасаввуф арбоблари, шайху авлиёлар, ривоят ва ҳикоятлар қаҳрамонларининг исм ва лақабларини сеҳрли ифодалар билан қўлланилганига гувоҳ бўламиз.

**Калит сўзлар:** Абдурахмони Жомий, ғазалиёт, ономастика, антропоним, диний, ирфоний, сўз, тил, шоир, тахаллус, лақаб, семантик маъно.

---

**Мажитова Сабохат Жамиловна,**  
доцент кафедры таджикской филологии и восточных языков Самаркандского  
государственного университета имени Шарофа Рашидова.

## РЕЛИГИОЗНЫЕ И МИСТИЧЕСКИЕ АНТРОПОНИМЫ В ГАЗАЛЯХ АБДУРАХМОНА ДЖАМИ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются религиозные антропонимы – имена, прозвища, псевдонимы, – используемые в газелях Абдурахмона Джами. Основываясь на анализе лексико-семантических характеристик узбекских и таджикских антропонимов, поэт красочно и поэтично раскрывает природу человека, его качества и свойства. Поскольку Мевляна Абдурахмон Джами также был одним из крупнейших представителей ордена Накшбанди, в данной статье мы сосредоточились на интерпретации религиозных и мистических антропонимов. Поэтому поэт глубоко выразил прогрессивные идеи религии и мистицизма не только в своих месневи, эпосах и толкованиях, но и в газелях. Поэтому в газелях Джами мы видим использование ряда мистических символов и терминов, религиозных верований, а также религиозно-мистических образов, шейхов и святых, имён и прозвищ героев легенд и сказок в магических выражениях.

**Ключевые слова:** Абдурахман Джамии, газели, ономастика, антропоним, религиозный, мистический, слово, язык, поэт, псевдоним, семантическое значение.

**Majitova Sabohat Jamilovna,**  
Associate Professor of the Department of Tajik Philology and Oriental Languages,  
Sharof Rashidov Samarkand State University

## RELIGIOUS AND MYSTICAL ANTHROPONYMS IN THE GAZELLES OF ABDURAKHMON JAMIY

### ANNOTATION

The article analyzes the religious anthroponyms - names, nicknames - used in Abdurahmon Jamiy's ghazals on the basis of verses. The poet, based on the analysis of the lexical-semantic characteristics of Uzbek and Tajik anthroponyms, revealed human nature, human qualities and virtues in a colorful and poetic way. In this article, we have only focused on the interpretation of religious-mystical anthroponyms, since Mawlana Abdurahmon Jamiy is also one of the major representatives of the Naqshbandi order. Consequently, the poet deeply expressed the progressive ideas of religion and mysticism not only in his masnavis, epics and interpretations, but also in his ghazals. Consequently, in Jami's ghazals, we witness the use of a number of mystical symbols and terms, religious beliefs, as well as religious-mystical figures, sheikhs and saints, names and nicknames of heroes of narratives and stories in magical expressions.

**Keywords:** Abdurrahmani Jami, ghazals, onomastics, anthroponym, religious, mystical, word, language, poet, nickname, semantic meaning.

### КИРИШ

Абдурахмон Жомий ғазалларидаги диний антропонимларнинг тадқиқи бизга унинг дин, фалсафа ва ижтимоий тушунчалардан иборат бўлган дунёқарашини англашда ёрдам беради. Зеро, Мавлоно Жомий ҳам тасаввуфнинг нақшбандия тариқати тарғиботчиси бўлиб, ўз асарларида мазкур йўналишнинг барча ютуқ ва камчиликларини тасвирлаган. Айтиш жоизки, Мавлононинг ўзи болалигиданоқ нақшбандияга қизиққан, аммо Саъдуддин Қошғарий билан танишгач, Жомий маснавий, дoston ва ғазаллари орқали нақшбандия усулини қабул қилганлигини эълон қилади. Манбаълардаги маълумотларга кўра Абдурахмон Жомий калом ва ирфон илмидан жуда яхши хабардор эди, зеро, иккала илм ислом маорифида Ҳақ зоти ва мутлақ вужуди борасида баҳс қилади. Жомий ғазалларида ишқ ва ирфон бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ошиқона ғазаллари юксак диний-тасаввуфий руҳда ижод этилган.

Мавлоно Жомий ғазалларидаги антропонимларни ўрганиш жараёни тилнинг тарихий ва тадрижий тақомилини аниқлаш борасида муҳим омиллардан бири бўлиб, шунинг замирида шоир тилнинг кейинги босқичларидаги ривожланиш тамойиллари ойдинлашади. Абдурахмон Жомийнинг бой мероси ўша давр адабий-мафкуравий жараёнларини қамраб олган ва аксар асарларида энг аввало, инсоний ахлоқ ғоялари мужассам, шу ғоялар негизида адабий тил меъёрлари мўъжаз тарзда сақланган. Шоир ғазалиётида ономастиканинг асосий фаслларида бўлган антропонимлардан унумли ва ўринли қўлланилганлигини гувоҳи бўламиз.

Ономастика тилшуносликнинг таркибий қисми сифатида ўзига хос номларнинг ривожланиши ва мавжудлиги тарихининг ҳуқуқий асосларини ўрганади. “Ономастика” икки қисмдан – антропонимика (одамларнинг исмлари, тахаллуслари ва лақаблари мажмуи) ва топонимика (географик номлар)дан иборат. Тилшуносликда ономастикага бағишланган ишларнинг барчасида антропонимлар ҳақида сўз боради. Антропоним – грекча сўз бўлиб, антро – одам+оним, яъни кишиларга берилган атоқли отларидир [Ҳомидзода 2024, 5]. Буюк мутафаккир моҳир сўз устаси Абдурахмон Жомий ғазалларида тарихий, ижтимоий, сиёсий, адабий воқеаларни бошқа элементлар билан бир қаторда акс эттиришда қўплаб антропонимлардан ҳам фойдаланган. Албатта, ҳар бир исми ўзига хос вазифалари бўлиб, муаллиф уларни жуда ўринли ва муносиб тилга олган, юксак мазмунли шеърларида инсон

тушунчасига оид амалий ғояларни акс эттирган. Хотамушшуаро Абдурахмон Жомий ўша даврни тасвирлаш учун, вазиятга оидинлик киритиш учун кўзга кўринган ва юқори мартабали шахсларнинг исмлари, жумладан асотирий шахслар, тарихий шахслар, ишқий қиссалар

فَأَكَلَا مِنْهَا فَبَدَتَ لهُمَا  
سَوَاءٌ تَهُمَا وَطَفِيقًا تَخْصِفَانِ عَلَيْهِمَا  
مِنْ وَرَقِ الْجَنَّةِ وَعَصَى آدَمُ رَبَّهُ  
فَغَوَى

қахрамонларининг исмлари, шоир ва адиблар, диний арбоблар ва оёту ривоятлардаги шахсларнинг исмлари ўринли ва жуда нозик тарзда қўллаган, уларнинг сифатларини рассом каби сўз сеҳри билан тасвирлаган.

Айтиш жоизки, Жомийнинг ғазалларида кенг қўлланган тарихий ва асотирий маънога эга бўлган бир қанча антропонимларни учратамиз, улар даврга оид воқеа ва фактларнинг алоҳида тарихий образлари ва тавсифлари билан ифодаланган ва воқеа, ҳодисаларга мурожаат қилиб шахснинг

фазилатлари, характери ўқувчига ибрат сифатида тақдим этилган. Жумладан: Жамшед, Афредун ёки Фаридун, Кайхусрав, Заҳҳок, Ҳотам, Зардушт, Искандар Зулқарнайн, Доро, Султон Ҳусайн, Умаршайх, Султон Абусаид, Шоҳ Абулғозий, Абулқосим Муиззуддавла Бобурхон ва бошқалар.

Антропонимлардан фойдаланишда шоир ишқий қиссалар орқали Хусрав, Фарҳод, Ширин, Юсуф, Зулайҳо, Лайли, Мажнун, Маҳмуд, Аёз, Вомиқ, Узро каби қахрамонларнинг фазилатлари, характери, табиатини газалларида маромида тавсифлайди.

Ёзувчилар, шоирлар ва буюк санъат арбобларини ифодаловчи антропонимлардан Абдурахмон Жомий ғазалиётида қўйидагиларни кўришимиз мумкин: Мавлоно Жалолиддин Балхий, Шамсий Табризий, Амир Хусрави Дехлавий, Абу Али ибн Сино, Саъдий, Ҳофиз, Камол, Ҳасан, Ҳайдар, Моний, Жолинус.

Аммо юқорида қайд қилганимиздек бу исмлар қаторида Мавлоно Жомий ғазалиётига янада жозиба бағишлаган диний антропонимларни кўпроқ учратамиз. Яни шоир пайғамбарлар, авлиёлар, диний ва тасаввуфий воқеа, ҳодиса ва ривоятлардаги қахрамонларнинг исмларини ўзининг диний ва тасаввуфий қарашлари билан жуда ўринли очиб берган. Жумладан, Одам (17 марта), Иброҳим (3 марта), Халил (6 марта), Озар (5 марта), Марям (1 марта), Исо (12 марта), Масеҳ (20 марта), Мусо (10 марта), Нух (7 марта), Ёқуб (8 марта), Юсуф (31 марта), Илёс (2 марта), Сулаймон (16 марта), Муҳаммад (3 марта), Намруд (1 марта), салмо (9), Билол (40 марта), Суҳайл (2 марта), Уззи (2 марта), Лот (3 марта), Хубал (1 марта) Қорун (2 марта), ва бошқалар [2; 3]. Яни:

Роҳи дилу динам зад он орази гандумгун,

Набвад ба чуз ин маънй мероси ман аз Одам. [X.221/2]

Мазмуни: Ўша буғдой юзли маъшуқ қалбим ва диним йўлига тўғаноқ бўлгани Одам алайҳиссаломдан бизга мерос бўлиб келган ҳолатдир.

Одам - Одам Ато биринчи одам ва инсониятнинг отаси, Момо Ҳавонинг жуфти ҳалоли бўлган. Диний ривоятларга қараганда Аллоҳ Одамни тупроқдан яратди ва қирқ кундан кейин унга жон ато қилди. Аллоҳнинг амри билан Иблисдан бошқа барча фаришталар Одам алайҳиссаломга сажда қилдилар. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни жаннатга жойлаб, унинг чап ковурағасидан Момо Ҳавони яратиб, буғдой ейишдан (Таврот ривоятларига кўра, олма ейишдан) қайтарди. Иблис Одам Ато билан Момо Ҳавони васвасага солган. Аллоҳ буни кечиролмай Одам Ато билан Момо Ҳавони жаннатдан ҳайдаб юборди ва улар Ҳиндистоннинг Сарандеб деган жойига кўнди (бу ҳолат диний ривоятларда “Ҳубути Одам” деб аталади) [6,54]. Куръони каримнинг То, Ҳо сураси 120-121 оятларида айни шу ҳолат зикри келтирилган: “Эй одам, мен сенга абадият дарахтини ва йўқ бўлмас мулку давлатни кўрсатайми?” деди. Бас, Одам билан Ҳавво иблиснинг извосига алданиб, ўша дарахтдан едилару, ўша онда уларнинг авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди” [То-Ҳо сураси, 121 оят].

Демак, шоир Одам Ато образи орқали инсоннинг содда ва ишонувчан қалбини кўрсатган.

Он аст шаби қадр, ки бар чони **Муҳаммад**

Қуръони азим омадаву сабъи масонӣ. [В.465/3]

*Мазмуни: Қадр кечаси Аллоҳ расули Муҳаммад (с.а.в.) билан бирга “Қуръони карим” ҳамда унинг васфани тўлиқ бизга юборди.*

Шоир инсоннинг юксак қадри ва мавқеини Муҳаммад (с.а.в.) номи билан етказган. Умуман, “Муҳаммад” (с.а.в.) номи Жомий ғазалларида 3 марта қўлланилган. Бу ерда шоир Муҳаммад (с.а.в.) антропоними орқали меърож кечасидаги воқеаларни исломнинг муқаддас китоби “Қуръони карим”нинг нозил бўлиши учун хайрли аломат ва нишона деб, “Қадр” сурасининг биринчи ояти орқали “Қуръони карим”нинг нозил бўлишини хайрли иш сифатида келтирилган.


“Албатта Биз у (Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик”. [Қадр сураси, 1 оят].

Гар ҳасуд аз фитна оташ зад чаҳонро, бок нест,

Оташи **Намруд** гулзор омад **Иброҳимро**. [Ф.41/4]

*Мазмуни: Агар ҳасаддан дунё фитна билан ёнса ҳам, сиз Аллоҳ йўлига тўғри бўлсангиз Иброҳим каби Намрудни оташ алангаси гулзорга айланади.*

Яъни: “Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!”. [Анбиё саруси 69 оят].



Байтда шоир инсоннинг ҳасад, бахиллик ва бир-бирини кўролмаслигини танқид қилиб, Аллоҳнинг яғоналиги ва унинг кудратини таъкидлаб, ўз фикрини мустаҳкамлаш учун Намруд пайғамбарнинг Иброҳим алайҳиссаломни ҳасад, ҳирс ва ўт-ўландан ўтга ташлаганини келтирган.

Шоирнинг кўп мисраларида Иброҳим ислом вакили, Намруд эса мажусий сифатида учрайди. Яни байтдан хулоса, “Аллоҳ таъолога бандалик қилиб, У Зотдан ўзга бирон кимсадан мадад-ёрдам тиламаса, Аллоҳ уни ўтда куйдирмас, сувда чўктирмас экан”.

Бастаам, бо ин ки аҳли миллатам, дил дар бутон,

Гарчӣ аз хели **Халилам**, кори **Озар** мекунам. [Ф.679/4]

*Мазмуни: Менинг миллатим (ота боболаримиз маъносида) бутпарастлик билан шуғулланганлиги учун бугун мен ҳам шу ишни қиляпман, яни Халил аҳлидан бўлсам ҳам Озар ишини қиляпман.*

Шоир тарихий ва диний маълумотларда Халил ва Озар антропонимларидан ҳам икки диний оқим – ислом ва буддизмни байтларда акс этиш учун фойдаланади. “Халил” Иброҳим пайғамбарнинг (а.с.) лақаби бўлиб, ислом ва мусулмонлар динига ишора қилади, “Озар” эса бутпараст ва ҳайкалтарош бўлган Иброҳим (а.с.) отасининг исми бўлиб, бутпарастларни назарда тутаяди.

Дил бипарвар баҳри файзи нав ба нав, к-аз нахли хушк,

Меҳўрад хурмои тар **Марям**, ки **Исопарвар** аст. [Х.432/4]

*Мазмуни: Янги файзу баракот учун юракни эъзозла, парвариши қил, Марям Исопарвар бўлгани учун янги узилгандек тоза хурмо йейди.*

Шоир инсоннинг адолатли, халқпарвар, келажакка интилувчан, вафодор, ҳаётга умид билан қарайдиган қалбига ишора қилиб, буни Марям (а.с.)нинг саҳрода, қуриган хурмо тагида Исо (а.с.)ни дунёга келтиришини намуна қилади. Аллоҳ кудрати ила онанинг меҳрга тўла лимолим қалбидан, дарахт яна гуллаб мева беради ва заифлашган онага дармон бўлади. Исо (а.с.) пайғамбар, насронийлик динининг асосчиси, ривоятларга кўра, иссиқ нафаси билан ўликларни тирилтирувчи диний арбобдир [8, 289]. Яни, инсонпарвар, халқпарвар, фуқаропарвар инсон янгидан-янги марҳамат ва иноятларни кашф қилишга қодир.

Лофи ҳар ноҳалаф аз чо набарад Ҷомиро,

Роҳи **Мўсо** назанад бонг, ки гўсола кунад. [Ф.296/7]

*Мазмуни: Мухолифларнинг мақтовли сўзларидан Жомий ўзгармайди, Мусо йўлини ҳам бузоқнинг бонги адаштирмагандек.*

Байтда шоир Сомирий ривоятини келтириб, инсоннинг мустаҳкам иродаси ва мустаҳкам иймонига ишора қилади. Яъни, Бани Исроил қабиласида Сомирий исмли заргар бўлиб, Мусо алайҳиссаломга қариндошчилиги бор эди. У Фиръавн чўкиб кетаётган пайтда самариялик оқ от билан келган чавандознинг оти қадам кўйганида, ҳар қадамида гулу райҳонлар униб чиқганини кўрди. Бу чавандоз Мусо (а.с.)га ёрдамга келган Жаброил (а.с.) эканлигини билгач, отнинг туёғи остидан бир ҳовуч тупроқ олиб сақлади ва бани Исроилга келинлар, Аллоҳга сажда қилинлар, деди. Ҳамма унинг орқасидан эргашиб, бузоққа яқинлашди, ўша тупроқни бузоқнинг оғзига солди, то у гапира бошлади..” [6, 81].

Меҳнати Яъқуб аз дарди **дили** ман шаммае,

Қиссаи Юсуф ба даври хубият афсонае. [Ф. 904/2]

*Мазмуни: Яъқубнинг меҳнати менинг қалб дардларимдан бир заррадир, Юсуфнинг қиссаси эса яхши даврдан бир афсонадир.*

Шоир инсон қалбидаги қайғу, алам, дард ва ғам-ғуссани Якуб (а.с.)нинг ўғли Юсуф (а.с.)дан айрилиб қолган меҳнатлари билан боғлаган.

Гиряи мо бин, ҳама умри дароз

Чанд хонӣ қиссаи тўфони **Нух**? [Ф.250/6]

*Мазмуни: Бизни йиғлашимизни кўргин, эшитгин, умр бўйи “Нух” қиссасини ўқийсан ми?.*

Кўриб турганимиздек, байт Қуръони Каримнинг “Нух” сураига ишора бўлиб, шоир Аллоҳ таоло томонидан исёнкор қавми инсофга чақириш учун танланган Нух пайғамбарга ишора қилади. Пайғамбар ҳар куни тоққа чиқиб, одамларни баланд овозда ягона Худога даъват қилар эди. Ягона Яратганнинг амри билан унинг овози ҳар бурчакка етиб боради, бироқ бир неча кишидан ташқари ҳеч ким унинг чақириғини эшитишни истамай қулоқларини юмадилар. Ҳар бир чақириқдан кейин Нух пайғамбарнинг исёнкор қавми уни шафқатсизларча калтакларди, аммо эртаси куни пайғамбар яна одамларни ҳидоят қилиш билан шуғулланарди. Охир-оқибат, Нух алайҳиссалом одамларнинг ҳидоятдан ҳафсаласи пир бўлгач, Аллоҳ таолодан уларнинг қилмишлари учун жазо беришини сўради ва бу дуога жавобан Аллоҳ таоло кофир қавм устига тўфон юборди, бу тўфон ривоятларда “Нухнинг тўфони” деб аталади. (“Нух” сурасининг 5-26 оятлари).

Чуз дар ангушти **Сулаймон** нест хотамро асар,

Чун на ангушти **Сулаймоне** бувад, хотам чӣ суд?! [В.183/8]

*Мазмуни: Хотам – узукнинг сеҳри фақатгина Сулаймоннинг қўлида асар қилади, Сулаймоннинг қўли бўлмаса хотамдан не фойда.*

Сулаймон – бу исм Тавротга кўра - подшоҳ ва Қуръонга кўра - пайғамбар қайд қилинган. Сулаймоннинг прототиби яҳудий Исроил давлатининг афсонавий шоҳи Довуд ўғли Сулаймондир. Милоддан аввалги 1-минг йилликдан бошлаб Ўрта ва Яқин Шарқнинг турли халқлари орасида Сулаймон ҳақида ривоят ва ҳикоятлар пайдо бўлган... Ўрта Шарқ адабиётида тожик ва форс шоирларининг шеърларида Сулаймоннинг ҳикоя ва саргузаштлари ҳақида кўплаб мурожаатлар учрайди [9, 467]. Байтда шоир инсоннинг матонати, жасорати ва Аллоҳ яратган барча махлуқотдан устунлигини кўрсатган.

Ҳар нафасе пеши лаби чонбахшат

**Хизр** ба дарюзаи чон меояд. [В.215/2].

*Мазмуни: Ҳар нафас жон ато этгувчи лабларинг олдиға, Хизр жон талабига келар.*

Диний ривоятларга кўра, Хизр ҳазратлари жаннатдаги абадий ҳаёт бағишлайдиган сувдан ичиб, мангу ҳаётга эришган [9,263]. Мавлоно Жомий маҳбубнинг жон ато этгувчи лаблари олдида Хизрнинг абадий қолар жони ҳам ожиз қолишини рангин ифодалар билан келтирилган. Байтда инсон табиатидаги хайрхоҳлик, ўзидан кечиш, жон фидо қилиш, сифатларини ифодасини кўрамиз.

Дил монду он занахдон гарчи баромадаш чон,

**Хорутро** чӣ имкон растан зи чоҳи Бобил. [Х. 219/5].

*Мазмуни: Гарчи жони чиққан булсада, юрак қолди, ўша манаҳ қолди, Хорутни Бобил горидан чиқишга имкони бормикан.*

Ҳорут ва Морут мумтоз тожик ва форс адабиётининг диний афсоналари асосида вужудга келган поэтик намояндаларидан биридир. Ривоятларга кўра, Ҳорут ва Морут одамлар орасида юриб, уларнинг барча сир-асрорларини, айниқса, ишқий муносабатларини ўрганиб, уларни Аллоҳ наздида ёмонлик ва ношукурликда айблаб, ер юзида одамларга ўртак бўлиш учун инсон қиёфасига кирган фаришталардир. Севги маъбудаси Зухранинг гўзаллигини кўрган Ҳорут ва Морут ўз аҳдларини унутиб, ошиқ бўладилар. Улар ўз аҳдни бузгани, сеҳргарлик ва такаббурлик қилгани учун Худонинг ғазабига дучор бўлиб, Бобил чоҳига ташланади. Тожик ва форс мумтоз адабиётида ишқ хийлалари, маъшуканинг мафтункор гўзаллигига ишора билан Ҳорут ва Морутга ўхшатилади [10,406]. Байтда инсоннинг кибру ғурурга берилиши, ўз аҳдига вафо қилмаслиги, хиёнат ва енгиллик сифатларини шоир бу антропонимлар орқали ифодалаган.

Шунингдек, шоирнинг жуда кўп байтларини учратишимиз мумкинки, диний қисса, воқеа, ривоятлар орқали ҳаётда инсоний фазилатлар, яхши ва ёмон сифатларни намуна қилиб рангбаранг ифодалар билан келтирилган. Жумладан, Сухайб ва Сухайлнинг иймонли, мўмин қалблари, Билолнинг фақру фаноси ҳамда Мункар ва Накир, Лут ва Ҳубалнинг сифатларига ишора қилганлигини учратамиз.

Муҳтасиб дар манъи май аз ҳад таҷовуз мекунад,  
Мебарад 3-ин феъли **Мункар** равнақи исломро. [Ф.40/6]

То зи сарчашмаи ирфон нахўрӣ оби ҳаёт,  
Мурдай, гар ба масал **Хизр в-агар Илёсӣ**. [Ф.935/8]

Нахли кўрони ҳарам бин, ки Муҳаммад ҳозир,  
Толиби нури худо аз рухи **Лотанду Ҳубал**. [В.300/6]

Зи таъни обиди асном, Чомиё, боз ой,  
Чӣ офаридай авҳоми мо, чӣ **Уззию Лот**. [Х.28/7]

Саводи фақри **Билол** аст зулф бар рухи ту,  
Ки пардадории нури дили **Сухайб** кунад. [В.197/4]

Демак, буюк мутафаккир, ўз даврининг сўз устаси Абдурахмон Жомий ғазалларида қисса ва ривоятлар асосида диний арбобларни ифодаловчи антропонимларнинг қўлланилиши бежиз эмас, балки маънавий ҳаётда инсонни кадрлашга асосланган. Дарҳақиқат, шоир диний ва мазҳабий эътиқодни ифодаловчи антропонимларни қўллаш орқали, аввало, уларнинг хайрли ишларига ишора қилса, иккинчидан, динимиз мазмун-моҳиятини ифодаловчи инсоний одоб-ахлоқ туйғуларини сингдиришда фойдаланади. Мавлоно Жомий асарларидаги диний-тасаввуфий антропонимларнинг шарҳидан шоир ғазаллари айна шу ғоялар ила суғорилганлигининг гувоҳи бўламиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Куръони карим маъноларининг таржимаси. (Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур). – Т., Чўлпон, 1992. – 540 б.
2. Абдурахмон Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб” девонининг конкорданси // Тузувчи: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018. – 934 б.
3. Абдурахмон Жомийнинг “Воситат-ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” девонларининг конкорданси // Тузувчи: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018. – 904 б.
4. Абдурахмон Жомий. Гулшанинда сўнмасин гул // Сайланма ғазаллар, Ж.Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 326 б.
5. Абулвосеъ Низомии Бохарзӣ. Мақомоти Чомӣ. // Муқаддима, тасҳеҳ ва таълиқот аз Начиб Моини Хиравӣ. – Техрон: Най,1383/2005.
6. Қисас-ул-анбиё. – Душанбе: Ориёно, 1991. – 398 с.

7. Маҷитова С. Силсилаи маонии калимоти пурмаъноии ғазалиёти Абдурахмони Ҷомӣ. СамДУ. 2021.-225 бет
8. Majitova S. Антропонимҳо – ифодагари хислатҳои инсон дар ғазалиёти Абдурахмони Ҷомӣ //Farg'ona davlat universiteti. – 2024. – №. 6. – С. 84-84.
9. Мажитова С. Абдурахмон Ҷомӣ ғазалиётида “жон” тимсолининг ирфоний-тасаввуфий маънолари. Сўз санъати журнали, 2023 йил, 6-сон 6-қисм. Б.45-53.
10. Фарҳанги осори Ҷомӣ. Ҷ.I, II. 15000 калима ва ибора // Мураттиб: Нурув Амон. – Душанбе: 1983.
11. Энциклопедияи советии тоҷик. Ҷ 1. – Душанбе: 1978. - С. 467.
12. د کتر محمد معین. فرهنگ فارسی. تهران. ۱۳۸۶.
13. دکتر سپید جعفر سجا دی. فرهنگ اصطلاحات و تعبيرات عرفانی. تهران. ۱۳۸۳.
14. <https://ejournals.id/index.php/IJWL/article/view/1082>

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000